



## ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИНИНГ ОШИШИ

**Мансуров Саидхўжа Камалович**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0000-0003-0944-3142

[said.mansurov1988@gmail.com](mailto:said.mansurov1988@gmail.com)

**Аннотация.** Ушбу мақолада пахта-тўқимачилик кластерларнинг ишлаб чиқариш қувватларининг hozirgi holati va foydalаниш даражаси, тўқимачилик корхоналарни ишлаб чиқариш қувватларини оширилишида технологик жихатдан модернизация қилиш, тўлиқ занжирга эга бўлган кластерлар ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш қувватлардан фойдаланиш даражаси бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** модернизация, қайта ишлаш, интеграция, ресурслар, импорт, трансформация, инвестиция, ялпи ички маҳсулот, ип-калава, хом ашё, ишлаб чиқариш қуввати, тайёр маҳсулот.

## УВЕЛИЧЕНИЕ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ МОЩНОСТЕЙ ХЛОПКОВО- ТЕКСТИЛЬНЫХ КЛАСТЕРОВ

**Мансуров Саидхўжа Камалович**

Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация:** В данной статье даны предложения и рекомендации по современному состоянию и уровню использования производственных мощностей хлопко-текстильных кластеров, технологической модернизации текстильных предприятий по увеличению производственных мощностей, кластеров с полной цепочкой, а также уровню использования их мощностей.

**Ключевые слова:** модернизация, переработка, интеграция, ресурс, импорт, трансформация, инвестиция, валовой внутренний продукт, пряжа, сырье, производственная мощность, готовый продукт.

## INCREASE OF PRODUCTION CAPACITIES OF COTTON-TEXTILE CLUSTERS

**Mansurov Saidkhodja Kamalovich**

Tashkent State University of Economics

**Abstract.** This article presents suggestions and recommendations on the current state and level of utilization of the production capacities of cotton-textile clusters, modernization of textile enterprises from a technological point of view in increasing the production capacity, clusters with a complete chain and the level of utilization of their production capacities.

**Keywords:** modernization, processing, integration, resources, import, transformation, investment, gross domestic product, yarn, raw materials, production capacity, finished goods.

### Кириш.

Маълумки, тўқимачилик саноати дунё миқёсида энг сердаромад ва муҳим йўналишлардан биридир. Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашув жараёнларининг ўзгариши Европа ва АҚШдан ривожланаётган Жанубий Америка, Жанубий-Шарқий ва Марказий Осиё минтақаларга етиб келди. Бу эса мамлакатимизда саноатнинг муҳим тармоқлари ҳисобланган тўқимачилик кластерларининг пахтани дастлабки ишлаш, трикотаж ва тикувчилик каби тузилмаларни модернизация қилиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишни тақозо этади. Шу муносабат билан, Ўзбекистон пахтачилик соҳасини ривожлантиришда Ҳукумат томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хоссатан, Президентимиз раҳнамолигида кўплаб қарор ва фармонларнинг қабул қилинишининг пировард мақсади ишлаб чиқарилаётган хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни пахта-тўқимачилик кластерлар томонидан чуқур қайта ишлаш натижасида тайёр маҳсулот шаклига келтириш ва уларни экспортга йўналтириш ҳисобланади.

### Адабиётлар шарҳи.

Тўқимачилик кластерларнинг иқтисодий ва экспорт салоҳиятини оширишда олимларнинг бир қанча таклифлари илгари сурилган. Маҳаллий олимларимиздан Солиев ва Хакимовлар (2014) мақолаларида “Кластер назарияси ва уни амалиётда қўллаётган мамлакатлар тажрибасидан Наманган вилоятида фойдаланиш имкониятлари” келтирилган. Ушбу олимларнинг айнан ушбу ҳудудни танланишига вилоятнинг тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш хажми юқорилигидадир.

Бекмуродов ва Янг Сонг Бе (2006) “Ўзбекистон тўқимачилик саноати стратегиясини ривожлантиришда кластер ёндашуви” деб номланган монографияда кластерга назарий ва амалий ёндашувлар, маҳсулот рақобатбардошлигини оширишда кластер моҳияти, хом ашёни қайта ишлашда ҳамда хорижий мамлакатлар, компаниялар ва маҳсулотлар кесимида эришилган натижалари мисоллар орқали ёритиб берилган. Шунингдек, Республикада ушбу хорижий тажрибалардан фойдаланиш бўйича бир қанча таклифлар келтирилган.

Америка олимлари Портер (1993) “Рақобат услунлиги назарияси”, Энрайт, Резенфельд, Маскелл ва Лоренценлар (1996) “минтақавий кластерлар концепцияси”, Маршалл (1993) “Саноат ҳудудлар назарияси”, Бекатин (2015) “Италян саноат огруглари назариялари”ни илгари суришган. Кононинг (1987) фикрига кўра, корхона ишлаб чиқарган маҳсулот тури фақат бир турдаги маҳсулот билан чекланган бўлса, бундай корхона бошқа турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришдан чекланганлиги сабабли, ягона ихтисослашган корхона деб таъриф берган. Аксинча агар ҳар хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бундай корхона диверсификациялашган корхона ҳисобланади. Бозор муносабатлари шаклланишига қараб корхона диверсификацияланишига ёки бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш билан чекланади.

Р.Питс ва Х.Хопкинс таърифида биров бошқача жихатга амал қилиниб, диверсификацияни бир вақтнинг ўзида бир нечта бизнес турларини юритиш сифатида белгилайдилар (Новицкий, 2001). Юқорида қайд этилган хориж олимларнинг назарияларида кластерлар бу рақобат устунлигини амалга оширишда юқори самара ҳисобланиб таълим, фан, технологик, иқтисодий ва бошқа хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти билан уйғунлашган тизими эканлиги таъкидланади.

Гарвард университети профессори Майкл Портер (1998) илмий тадқиқот ишларида иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар саноатининг ривожланиши ҳамда жаҳондаги илғор санаот тармоқларининг ривожланишини таъкидлаб, рақобатбардош тармоқлар кластер принципи асосида ривожланиши ҳамда кластерларнинг қўллаб-

қувватланиши нафақат кластердаги компанияларнинг, балки миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилиши асослаб берилган.

Ансофф (1990) назариясига кўра, диверсификация-муайян корхонада мавжуд бўлган ресурслар фаолиятининг бошқа соҳаларига қайта тақсимлаш жараёнига қўлланиладиган атамадир. Бунда ишлаб чиқариш қувватларини оширган холда янги технологияларга ўтиш, янги бозорларга кириш ва янги тармоқларга кириш имконияти билан боғлиқ.

Кластер назарияси Россия олимлари Ю.С.Артомонова, Б.Б.Хурусталева<sup>189</sup> томонидан ҳам ўрганилган бўлиб, амалиётга татбиқ этиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган. Юқоридаги назарияларни яратилиши ва уларнинг амалий аҳамияти мамлакатлар, тармоқлар ва корхоналар иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш ва юқори самарадорликка эришишни назарда тутди.

### **Тадқиқот методологияси.**

Изданиш давомида иқтисодий, статистик, қиёсий таҳлил, хронологик кузатиш ва математик усуллардан фойдаланилди. Шунингдек, маҳаллий ва хорижий олимларнинг мавзу доирасида чоп этилган илмий ишларидан ҳам фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Мамлакатимиз тўқимачилик саноатини фаолиятини такомиллаштириш стратегик ва иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида устувор вазифалар қаторига киради. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан ҳозирги давргача соҳани тараққиёт сари ривожланиши учта босқични ўз ичига қамраб олади.

Биринчиси, қишлоқ хўжалигидаги пахтани дастлабки қайта ишлаш босқичидаги жараёнлар.

Иккинчиси, Пахтани қайта ишлаш ҳамда ундан ип-калава ишлаб чиқариш босқичидаги тўқимачилик корхоналарининг фаолияти.


Учинчиси, Вертикал интеграцияга ҳамда чуқур қайта ишлашга мўлжалланган тўқимачилик кластерлар фаолияти.

Пахта-тўқимачилик кластерлари бир неча мустақил фаолиятга эга бўлган корхоналар чигит экишдан тортиб, ундан пахта хом ашё ва якуний босқич тайёр маҳсулотгача бўлган жараёнда фаолият олиб борадилар. Булар фермер хўжаликлари, пахта заводи, тўқимачилик ва тикув корхоналари ўзаро ҳамкорликда фаолият юритиб келадилар. Булар жамоа бўлиб, пахта хом ашёдан қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларгача бўлган жараёнда иштирок этадилар.

Пахта-тўқимачилик кластерлари ривожланишида давлатнинг аҳамияти муҳим ҳисобланади, мамлакат иқтисодиёти кластерларнинг кучли жихатларига таянган холда фаолият олиб боради. Бу борада, соҳага инновацион ва интеграционалашган ёндашувларни татбиқ этилишининг дастлабки босқичи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги «Бухоро вилоятида замонавий пахта тўқимачилик кластерини ташкил қилиш» ПҚ-2978-сонли қарори (Қарор, 2017) қабул қилиниб, унга кўра «Bukhara cotton textile cluster» масъулияти чекланган жамият шаклидаги хорижий корхона лойиҳасига асос солинди.

Мазкур кластерга Бухоро вилоят ҳудудидан пахта хом ашё етиштириш учун 8,0 минг гектар ер майдони ажратилди ҳамда 2017-2021 йилларга мўлжалланган инвестиция лойиҳасини прогноз параметрлари ишлаб чиқилди. Унда фермер хўжаликлари учун минерал ўғитлар, уруғлик чигит, лизинг асосида асбоб-ускуналар сотиб олиш ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзли кредит линиялари ажратилди.

<sup>189</sup> Кластерные политики и кластерные инициативы: теория, методология, практика. (Коллективная монография). Минобразования и науки РФ, Минэкономразвития РФ, Правительство Пензенской области. Пенза-2013.



1-расм. “Bukhara cotton textile” қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш қуввати<sup>190</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги “Сирдарё вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини барпо этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3279 сонли қарори (Қарор, 2017) қабул қилинди. Мазкур қарор “Bek cluster” МЧЖ ҚКга ер майдонларини ажратиш, фермер хўжаликлари учун минирал ўғитлар, уруғлик чигит, лизинг асосида асбоб-ускуналар сотиб олиш, инвестиция лойihalарини молиялаштирилишида имтиёзли кредит линиялари ажратиш, шу билан биргаликда Республика ҳудудида ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё ва бутловчи қисмларни божхона тўловларидан имтиёзли равишда озод этиш қарорда белгилаб қўйилди.

Мазкур Бухоро ва Сирдарё вилоятларида дастлабки намуна ва тажриба сифатида ташкил қилинган пахта-тўқимачилик кластерлар Республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам кластерлаштириш сиёсатини татбиқ этилишига сабаб бўлди.

Кластерларнинг синов тажриба асосида ташкил этилишидаги номлари, ҳудудлари ва уларга ажратилган ер майдонларини тақсимлаш ва бошқа масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги №53 сонли қарори қабул қилинди (Қарор, 2018).

Қарорда 2018 йил пахта хом ашёси ҳосилидан синов тажриба асосида Республика вилоятларнинг 13 та туманида “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмачи таркибидаги 15 та

<sup>190</sup> “Bukhara cotton textile” қўшма корхонаси маълумотлари.

тўқимачилик корхоналари томонидан уларга ажратилган 140,9 минг гектар пахта хом ашёсини етиштириш учун ер майдони ва уларга хизмат кўрсатувчи банклар рўйхати тасдиқланди. Қарорда, ер, сув ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш, пахта хом ашёни ўз вақтида териб олиш ва чуқур қайта ишлаш, қишлоқ хўжалик техникаларни лизинг асосида харид қилиш, 2018 йил ҳосили учун тижорат банклари томонидан кредит маблағлар ажратиш ҳамда кластерлар эҳтиёжлари учун хорижий мамлакатлардан импорт қилинадиган ресурсларга божхона имтиёзлари белгилаб қўйилди.

2018 йил 15 пахта-тўқимачилик кластерлар томонидан жами 364,2 минг тонна пахта хом ашёси етиштирилган бўлиб, ҳосилнинг 49,6 минг тоннаси ёки 13,6 фоизи қайта ишлаш натижасида 17,6 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқарилган. Тола чиқиши 35,5 фоизни ташкил қилди. Бу кўрсаткич албатта қонақарли натижа ҳисобланмайди, аммо дастлабки ташкил этилган кластерларнинг тажриба сифатида тарғиб этилиши янги тўқимачилик кластерларнинг келгуси фаолиятида вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни олдиндан бартараф этилишига хизмат қилади.

Жахон тажрибасидан маълумки, тўқимачилик соҳасида кузатилаётган глобал рақобатнинг кескинлашуви мамлакатимизда пахтачилик соҳасининг трансформация жараёнларини амалга оширишни талаб этади. Тўқимачилик саноатини кооперацион ва кластерлаштириш усулида ривожлантириш хўжалик субъектлари билан ҳамкорлик фаолиятини кенг тартибда йўлга қўйиш имконини беради. Пахтачилик тармоғида хом ашёни тўлиқ қайта ишлаш ва технологик жихатдан эскирган ускуналарни модернизация қилиш орқали маҳсулот сифати ва рентабеллигини ошириш муҳим вазифалар ҳисобланади. Бу борада Жахон тажрибаси мисолида ривожланган мамлакатларнинг илмий техник ютуқларини Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерларига кенг тарғиб этишни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда 22 868 дона қишлоқ хўжалиги техникалари, 802 дона пахта териш машинаси, 1320 дона юқори унумдорликка эга тракторлар ва 18 746 дона бошқа техника ва агрегатлар пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан ўзлаштирилган.

1- жадвал

Пахта-тўқимачилик кластерларнинг мавжуд салоҳияти<sup>191</sup>

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2018 йил	2020 йил	2022 йил	2023 йил	2023 йилнинг 2018 йилга нисбатан ўсиш суръати
1	Қишлоқ хўжалиги техникалари	дона	7 612	15 168	20 777	22 868	3 баробар
2	Пахта териш машинаси	дона	210	467	704	802	4 баробар
3	Юқори унумдорликка эга тракторлар	дона	321	687	1 210	1 320	4 баробар
4	Чопиқли тракторлар	дона	980	1687	2 712	3 214	3 баробар
5	Бошқа техника ва агрегатлар	дона	7 412	14 687	16 151	18 746	2,5 баробар
6	Жами киритилган инвестициялар шу жумладан:	млрд. долл	1,5	3,1	5,3	6,7	4 баробар
6.1	қишлоқ хўжалик соҳасига	млрд.долл	0,4	0,7	1,2	1,3	3 баробар
6.2	Саноат соҳасига	млрд.долл	1,1	2,4	4,1	5,4	4 баробар

<sup>191</sup> Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Жадвал маълумотларида кластерларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасига янгича ёндашувни татбиқ этилганлиги кўриниб турибди. Сўнгги русумдаги замонавий энерго тежамкор техникалар қишлоқ хўжалиги соҳасида интенсив усуллардан фойдаланган холда пахта етиштиришда юқори ҳосилдорлик олинишига олиб келади.

2023 йилда соҳага киритилган жами инвестициялар 6,7 млрд. долларни ташкил қилади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида харид қилинган техникаларга 1,3 млрд доллар сарфланган бўлса, саноат соҳасига киритилган инвестициялар 5,7 млрд долларни ташкил этади, саноат соҳасига киритилган инвестициялар ҳажми қишлоқ хўжалигига киритилган инвестициялардан 4 барабар кўпдир. Бунинг сабаби, қайта ишлаш занжирида фаолият юритиб келадиган тўқимачилик корхоналарнинг ташкил топиши ва модернизация қилинишида ип-йигирув, матони тўқиш ва бўяш ҳамда тикув босқичидаги корхоналар учун харид қилинган ускуналар ва техникалар учун сарфланганлиги билан боғлиқ.

Хозирги кунда Республикада 142 та пахта-тўқимачилик кластерлар фаолият юритаётганлигини ҳисобга олсак шундан 122 та толани қайта ишлаш, 94 та ип-калава, 27 та мато ишлаб чиқариш, 36 та матони бўяш ва пардозлаш, 73 та тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш занжирига эга бўлган кластерлар фаолият юритиб келмоқда. Қайта ишлаш саноатида энг катта улуши бу 94 та ип-калавага ихтисослашган кластерлар ҳисобланади.

Пахта-тўқимачилик кластерларнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини акс эттирилишида биринчи навбатда тўлиқ босқичга эга бўлган қайта ишлаш занжирини фаолият олиб боришлиги билан белгиланади.

Республикада толани қайта ишлаш даражаси ва ип-калава ишлаб чиқариш ҳажми етарли даражада эканлигини инобатга олинса, қайта ишлашдаги матони тўқиш ва бўяш босқичида бўлган кластерлар жараёнлари етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Маълумки мамлакатимизда хар йили ўртача 3,4 млн тонна пахта хом ашёси етиштирилади. Шундан тола чиқиш ўртача 1,1 млн. тоннани ташкил қилса, демак пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш қувватлари 154 фоизга кўпдир. Ип-калава ишлаб чиқариш кластерларда 90 фоиз тола қайта ишланиб келинмоқда. Қолганлари эса тўқимачилик корхоналарида амалга оширилмоқда. Матони тўқиш ва бўяш бўғинларда ишлаб чиқариш қувватларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги кўринади.

Бугунги кунда тўқимачилик кластерларда мато ишлаб чиқариш 173,5 минг тоннани ташкил қилади. Аслида салоҳият 900 минг тонна хом ашёни қайта ишлашга етарли. Бунда бир қанча омилларни сабаб қилиб келтириш мумкин.

Биринчидан таҳлилларга кўра Республика бўйича 27 та кластерларда мато ишлаб чиқариш, 36 та кластерларда матони бўяш ва пардозлаш корхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда. Республикада жами 142 та кластерлар фаолият юритаётганлигини инобатга олинса яна 115 та мато ишлаб чиқариш ва 106 матони бўяш ва пардозлашдаги кўшимча кластерлар ташкил этилиши ва ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланишни тақозо этади.

Иккинчидан тўқимачилик кластерлар ташкил этилганига 6 йил бўлганлигини инобатга олинса, матони тўқиш ва бўяш корхоналари инвестиция дастурларига киритилган ва буларни ишга туширилиши вақтни талаб этади.

Учинчидан, юқорида таъкидланганидек, айрим мато ишлаб чиқариш ва бўяш кластерларида модернизация ишлари ёки лойиха инвестиция дастурларига киритилганлиги сабабли, ушбу кластерлар ип-каваларни ички бозорларга сотиш, уларни экспорт қилиш ёки тегирмон усулида бошқа кластер ёки матони тўқиш ва бўяш фабрикаларига саноат кооперацияси асосида маҳсулот етказиб бериш хизмати амалга оширилади.


Тўртинчидан айрим тадбиркорлар ип-калава ишлаб чиқариш ва уларни ташқи бозорларга экспорт қилиш билан чекланиб қолишмоқда. Натижада, ишлаб чиқариш

қувватларидан тўлиқ фойдаланмасликка ва қўшимча қийматга эга маҳсулотлар улушини камайишига олиб келади.

Юқорида қайд этилган сабабларни олдини олишда ишлаб чиқариш самарадорлик кўрсаткичларини оширишга, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш шунингдек амалиётда янги инновацион технологияларни татбиқ қилиш орқали кластерларнинг ишлаб чиқариш ҳажми ва рентабеллигини ошириш зарур.

Тўқимачилик корхоналарни етарли даражада технологик база ва кластерларни ўрта бўғини бўлган ҳисобланган трикотаж мато, газлама ва уларни бўяшда ишлаб чиқариш қувватлари ва корхоналар сонини ошириш ҳамда яроқлилик муддати ўтган технологик ускуналарни модернизация қилиш давлат сиёсатидаги устувор вазифалардан ҳисобланади. Республикамиз ҳудудларида тўқимачилик корхоналарини чуқур қайта ишлаш ва қўшимча қиймат яратадиган, ишлаб чиқариш қувватларини оширишга ҳамда янги иш ўринларини шакллантирадиган 2018-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция лойиҳалари амалга оширилди (2-расм).

2018-2023 йилларда тўқимачилик корхоналарни модернизациялаш ва ишлаб чиқариш қувватларини оширишга қаратилаган жами қиймати 4,2 млрд. Доллар 398 та лойиҳалар ишга туширилди. 2023 йил инвестиция дастурга мувофиқ, қиймати 897,4 млн. долларга тенг 74 та лойиҳалар ишга туширилди. Лойиҳалар асосан қайта ишловчи корхоналарни модернизация қилишга ва ишлаб чиқариш қувватларни оширган ҳолда юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган. 2023 йилда Республикада амалга оширилган лойиҳаларга асосан газлама ишлаб чиқариш ва бўяш қувватлари 45,6 минг тонна, мато ишлаб чиқариш ва бўяш қувватлари 141,6 млн.кв.м, тикув ва трикотажга ихтисослашган корхоналарнинг қувватлари 111,3 млн.донага оширилди.



**2-расм. Тўқимачилик корхоналарини модернизация қилиш бўйича амалга оширилган инвестиция лойиҳалари<sup>192</sup>**

Бугунги кунда тўлиқ қайта ишлаш занжирини ўзида қамраб олган ва иқтисодий самарадорликка эга бўлган Республиканинг бир қанча пахта-тўқимачилик кластерлари мавжуд, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар мунтазам равишда ички ва ташқи бозорларга етказиб бериш жараёнларни амалга ошириб келинмоқда. 2023 йилда тўлиқ беш босқичга эга қайта ишлаш занжиридаги 10 та пахта-тўқимачилик кластерлар Андижон вилоятида “Khantex group” МЧЖ ва “Alyortex” МЧЖ. Наманган

<sup>192</sup> “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

вилоятида “Namangan to’qimachi” МЧЖ ва “Textile Finance Namangan” МЧЖ. Бухоро вилоятида “Parvoz xumo ravnaq” МЧЖ, “Art soft textile” МЧЖ ва “Mergantex” МЧЖ шаклидаги кластерлар маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари тўлиқ шакланган.

## 2-жадвал

**2023 йилда тўлиқ қайта ишлаш занжирини ташкил этган тўқимачилик кластерларнинг ишлаб чиқариш қувватлари тўғрисида маълумот<sup>193</sup>**

№	Тўқимачилик кластерлар	ўлчов бирлиги	тола ишлаб чиқариш	ип-калава ишлаб чиқариш	мато ишлаб чиқариш	матони бўйаш	тайёр маҳсулот
1	"Khantex group" МЧЖ	тонна	16 500	9 800	2 100	3 385	2 100
2	"Parvoz xumo ravnaq" МЧЖ	тонна	13 600	9 300	3 500	14 500	3 100
3	"Alyortex" МЧЖ	тонна	13 600	3 600	1 200	5 000	7 000
4	"Namangan To'qimachi" МЧЖ	тонна	20 400	17 200	48 000	4 800	28 500
5	"Art soft tex cluster" МЧЖ	тонна	40 000	25 500	25 000	25 000	22 000
6	"Fergana global textile" МЧЖ	тонна	31 008	13 000	12 600	12 600	1 300
7	"Mergantex" МЧЖ	тонна	17 000	7 200	2 000	2 000	1 000
8	"Marokand sifat tex" МЧЖ	тонна	15 000	10 000	5 000	7 300	7 000
9	"Gurlan global textile" МЧЖ	тонна	14 256	5 000	4 000	2 200	3 500
10	"Textile Finance Namangan" МЧЖ	тонна	25 500	20 000	3 000	5 700	5000

Республиканинг барча ҳудудларда пахта-тўқимачилик кластерларнинг тўлиқ қайта ишлаш занжири шу жумладан мато ишлаб чиқариш ва бўйаш корхоналар сони ҳамда булар асосида ярим тайёр ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш лозимдир. Бунинг натижасида мато ва газламаларни хориж мамлакатлардан олиб келиб қайта ишлаш қисқаради ва ўзимизда тўлиқ қайта ишланиб янги иш ўринлари яратилишига олиб келади.

2018-2023 йилларда тўқимачилик кластерларнинг қишлоқ хўжалиги доирасида амалга оширилган ишлар самараси яъни пахта етиштиришдан ип-калава хом ашё ишлаб чиқариш босқичидаги жараёнларга қадар ривожланиш тенденциялари кузатилган.

2018 йилда пахта-тўқимачилик кластерлари сони 15 та, 2019 йил 94 та, 2020 йил 100 та, 2021 йил 122 та, 2023 йилга келиб 142 тани ташкил қилди. Шу билан биргаликда, 2023 йилда ер майдонлари, пахта хом ашёни етиштириш ва тола ишлаб чиқариш кўрсаткичлари 2018 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръатлари кузатилган. Булар ишлаб чиқариш қувватлари ошганлигидан шу жумладан пахта тозалаш ва тўқимачилик корхоналаридаги ишлаб чиқариш қувватларини ошганлигини билдиради.

Бугунги кунда пахта толаси ишлаб чиқариш тўлиқ тўқимачилик кластерлар томонидан амалга оширилмоқда. Албатта, рақамларда кластерларининг кўпайиши қонақарли, аммо сифат жиҳатдан қайта ишлаш занжирини ташкил этилиши билан боғлиқ жараёнларда айрим кластерларда янги лойиҳаларининг ишга туширилиши ҳамда тижорат банклар томонидан ажратилаётган кредит маблағлари ҳисобига қайта

<sup>193</sup> Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



ишлаш линиялари босқичма-босқич амалга оширилиб келинаётганлиги билан ифодалаш мумкин.

3-жадвал

**2018-2023 йилларда пахта-тўқимачилик кластерларининг қишлоқ хўжалиги фаолиятидаги асосий кўрсаткичларнинг ўсиш динамикаси<sup>194</sup>**

№	Кўрсаткичлар номи	2018 йил.	2019 йил.	2020 йил.	2021 йил.	2022 йил.	2023 йил.	2023 йилнинг 2018 йилга нисбатан ўсиш суръати (%)
1	Пахта-тўқимачилик кластерлар сони	15	94	100	122	134	142	9 баробар
2	Ажратилган ер майдони (минг.га)	105,4	202,9	926,9	1 025,0	1 076,4	972,9	10 баробар
3	Етиштирилган пахта хом ашёси (минг.тн)	2 285,6	2 691,7	3 064,0	3 321,0	3 498,5	3 538,3	154%
4	Ишлаб чиқарилган пахта толаси (минг.тн)	772,9	912,0	1030,6	1 123,3	1 166,1	1 179,4	152,5%

Қувватларнинг ошиши биринчи навбатда, мамлакатимизда ушбу инфратузилмани тўлиқ қайта ишлаш салоҳиятини вужудга келтиради ҳамда янги иш ўринларини ташкил этилишига олиб келади.

### Хулоса ва таклифлар

Бугунги кунда пахта-тўқимачилик кластерларнинг ишлаб чиқариш қувватлардан фойдаланиш маълум ҳудудларда етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Булар қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни камайишига, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, ЯИМ ҳамда рақобатбардош экспорт маҳсулотларни йўқотилишига олиб келади. Буларни олдини олиш учун тизимда қуйидаги ислохотларни амалга оширишни тақозо этади.

Ресурслар ва таъминот. Кластер таркибидаги корхоналар ва ташкилотлар ўртасидаги таъминот ва ресурсларни узлуксиз ошириш. Бунда тола, ип-калаваларни хом ашё воситаларини кейинги жараёнларга узлуксиз етказиб берилишни таъминлаш.

Технологиялар ва инновациялар. Кластерларнинг замонавий инновацион технологиялардан фойдаланиш маҳсулотнинг халқаро стандартлар даражасидаги тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқилишига олиб келади.

Кадрлар масаласи. Кластер таркибидаги ҳар бир корхоналар ўртасида таълим алмашиш тизимини ошириш. Бунда “дуал” таълим тизимини ривожлантириш, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга ошириш.

Бошқарув ва инфраструктура. Бошқарув салоҳияти билан биргаликда инфраструктурани ошириш. Бундай инфраструктура ва бошқарув имкониятлари кластердаги корхоналар учун операцион фаолиятларни яхшилаш ва ривожлантиришга ёрдам беради.

<sup>194</sup> Давлат статистика қўмитаси ва “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

**Адабиётлар / Литература/ Reference:**

Ansoff I., Mc Donnell E. (1990) *Implanting strategic management*. Prentice Hall, -568 p.

Enright, M (1996) "Regional Clusters and Economic Development: A Research Agenda", in Staber, U., Schaefer, N. And Sharma, B, (Eds). "Business Networks: Prospects for Regional Development, Berlin". Walter de Gruyter, p.190-213.

Porter M.E. (1998) *On Competition*. Boston: Harvard Business School Press.

Безаммин П. (2015) Becattini G. From Marshalls to the Italian "Industrial Districts"/ [www.copetitiveness.org](http://www.copetitiveness.org).

Бекмуродов А.Ш. ва Янз Сонг Бе (2006) "Ўзбекистон тўқимачилик саноати стратегиясини ривожлантиришда кластер ёндашуви". Монография, -112 бет.

Коно Т. (1987) *Стратегия и структура японских предприятий*. –М.: Мысль, -214 с.

Қарор (2017) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги "Сирдарё вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3279 сонли қарори.

Қарор (2017) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги «Бухоро вилоятида замонавий пахта тўқимачилик кластерини ташкил қилиш» ПҚ-2978-сонли и.

Қарор (2018) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги "Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишининг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги №53 сонли қарори.

Маршалл А. (1993) *Принципы экономической науки, I-III. Пер. с англ.* - М.-Издательская группа "Прогресс".

Новицкий Е.Г. (2001) *Проблемы стратегического управления диверсифицированными корпорациями* М. Буквица.

Портер М. (1993) *Международная конкуренция*. –М.: Международные отношения, С.51.

Солиев А. ва Хакимов З. (2014) "Кластер назарияси ва уни амалиётда қўллаётган мамлакатлар тажрибасидан Наманган вилоятида фойдаланиш имкониятлари" "Бизнес-эксперт" журналы 2014 йил 1-сон, 52-57 бет.